

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 81 (11.142)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

**МАМЛАКАТИМИЗДА
 ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН
 ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАРНИ КАШФ ЭТИШ,
 РАҒБАТЛАНТИРИШ, УЛАРНИНГ
 КЕЛГУСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ
 Қўллаб-қувватлаш мақсадида
 ТАЪСИС ЭТИЛГАН ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ
 ДАВЛАТ МУКОФОТИ КўПЛАБ
 ИСТЕЪДОД СОҲИБЛАРИНИНГ
 КАМОЛОТИ ЙўлиДА ҚАНОТ БўЛИБ
 ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.**



Ёшлар—кељагагимиз

ИСТЕЪДОД СОҲИБАСИГА — МУНОСИБ СОВҒА

Шуниси кувонарлики, ушбу Давлат мукофотига номзодлар сафи йил сайин ортиб бормоқда. Улар орасидан ҳар томонлама етуқ, билимли ва юксак истеъдод эгалари мазкур мукофотга сазовор бўлмоқдалар. Бу йил адабиёт йўналиши бўйича Тошкент шаҳридан Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси Юлдуз Файзий Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари орасидан ўрин олди. Адабиёт ва шеърятга ихлоси билан Юлдузхоннинг шеърлари республика газеталарида мунтазам ёриштирилган келинмоқда. Унинг «Кўнглим» ва «Кўнглима орзулар солган кишлоғим» номли тўпламлари китобхонлар томонидан илқ кутиб олинган.

Кун кеча ҳар йилги анъанага кўра Тошкент шаҳар ҳокимлигида мазкур мукофот совриндори

Юлдуз Файзийга шаҳар ҳокимининг муносиб совғаси—компьютер жамланмаси топширилди. Бундай қимматбаҳо совғадан Юлдузнинг кувончи яна ҳам ошди ва фурсатдан фойдаланиб мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик ва эътибордан қалби фахр ва гурурга тўлган ҳолда ўзининг чексиз миннатдорчилигини изҳор этди.

— Шундай нуфузли мукофот соҳиби бўлганимдан, мамлакатимизда Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан биз ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан жуда ҳам бахтиёрман. Ҳокимлик томонидан тақдим этилган бу қимматбаҳо совғадан бошим осмонга етди. Ёшларга раҳнамолик қилиб, оталарча ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимизга, шаҳар ҳокимлигига ва барча устозларимга чуқур миннатдорчилик билдира-

ман ва бундай ғамхўрлик ва юксак ишончга жавобан келажакда ўз билимим, истеъдодим билан юксак чўққиларни забт этиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Ҳа, Ёшлар йилида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлган Юлдуз Файзийнинг ўз орзу-мақсадлари сари дадил боришига, ўқиши ҳамда ижодини давом эттириб, келгусида танлиқли шоирларимиз сафидан муносиб ўрин олишига умид қиламиз. Зеро Юлдуз сингари оқила, доно ва ҳар томонлама зукко ёшларимиз юрт таянчидирлар. Бундай истиқболли порлоқ ёшларимиз билан ҳақли равишда фалорланамиз албатта.

**ДИЛОРОМ ИКРОМОВА
 СУРАТДА: Зулфия номидаги
 Давлат мукофоти совриндори
 Юлдуз Файзий.**

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИНИНГ НУКУС ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоқ халқининг бетакрор санъати ва маданиятини янада раванқ топтириш, истеъдодли ёшларни миллий ва жаҳон санъатининг юксак намуналари руҳида тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилият ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, замонавий театр ва кино, телевидение ва радио йўналишлари бўйича юқори маънавиятлик актёрлар ва санъатшунослик соҳасида мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиали (кейинги ўринларда Нукус филиали деб юритилади) ташкил этилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан Нукус филиалининг ўқув биноси ва аудиторияларини санъат соҳасига хос ўқув-ижодий жараёнларнинг алоҳида талаблари асосида реконструкция қилиш ва таъмирлаш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тегишли ишлар амалга оширилгани ҳамда ушбу ўқув даргоҳини Нукус шаҳри, Хурлиман киз баҳши кўчаси, 37-уйга жойлаштириши ҳақидаги тақлифи маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бир ой муддатда Нукус филиалининг ташкилий тузилмаси ва Низомини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Нукус филиалида 2008-2009 ўқув йили учун бакалаврлар тайёрлаш бўйича жами 25 та — шундан 10 таси давлат грантлари ва 15 таси эса тўлов-контракт асосида — қабул квоталари белгилансин. Ушбу квоталар «Актёрлик санъати» таълим йўналишига — 15 та (6 та давлат гранти ва 9 та тўлов-контракт асосида) ва «Санъатшунослик» таълим йўналишига — 10 та (4 та давлат гранти ва 6 та тўлов-контракт асосида) миқдоридан тақсимланиб, таълим жараёни қорақалпоқ тилида олиб борилиши белгилаб қўйилсин.

Келгуси йиллар учун қабул квоталари мазкур соҳа мутахассисларига бўлган реал талаб-эҳтиёж ва минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истиқболдан келиб чиққан ҳолда, белгиланган тартибда амалга оширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда:

2008 йил 1 сентябрдан эътиборан Нукус филиалининг фаолияти ва ўқув жараёнини тўлақонли ташкил этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

белгиланган давлат таълим стандартлари ва таълим йўналишларига мувофиқ, филиални ўқув дастурлари ва режалари ҳамда дарсликлар, ўқув адабиётлари, шунингдек, ўқув-услубий ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминласин;

ўқув биноси ва аудиторияларини, маҳорат синфлари, студиялар ва бошқа зарур хоналарни замонавий компьютер ва асбоб-ускуналар ҳамда махсус лаборатория анжомлари билан жиҳозласин;

Нукус филиали профессор-ўқитувчилар таркибини етуқ илмий-педагог кадрлар билан таъминлаш, Қорақалпоғистон Республикасининг санъат соҳасидаги етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият юритаётган, юқори маънавият ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни филиал ўқув жараёнига жалб этиш, шунингдек, ушбу даргоҳларда филиал учун мунтазам равишда ёш илмий-педагог кадрлар тайёрлаб бориш бўйича ташкилий-амалий ишларни йўлга қўйсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: Нукус филиали фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағларни ажратсин;

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2008 йилги тегишли харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
 И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
 2008 йил 28 апрель

МЕНДЕЛЕЕВ ОЛИМПИАДАСИ — ТОШКЕНТДА

ПОЙТАХТИМИЗДА 42-ХАЛҚАРО МЕНДЕЛЕЕВ
 ЎҚУВЧИЛАР ОЛИМПИАДАСИ БОШЛАДИ.

Дунёнинг 15 та мамлакатидан вакиллари иштирок этаётган ушбу нуфузли тадбирнинг юртимизда ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Буюқ келажак сари одимлаб бораётган Ўзбекистонда барча жаҳонларда инсон манфатларига йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилиши, ўсиб келаётган авлоднинг баркамоллиги учун замонавий шарт-шароитлар таъминлаши, хусусан фарзандларимизнинг жаҳон андозалари асосида таълим олиши ва касб-ҳунарга эга бўлиши йўлида зарур имкониятлар яратилиши орқали дунё ҳамжамиятига изчил интеграциялашиб бораётгани жаҳон миқёсида эътироф этилаётганининг яна бир ёрқин далилидир.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари фаолларининг 2008 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йилги йиллиги бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Мувофиқлаштирувчи кенгаши йиллиги ўтказилди.

• Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбати юртимиз 1995 йилда қўшилган БМТнинг Гёвандлик воситалари ва психотроп моддаларни гайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисидаги конвенциясининг ижро этилишига бағишланди.

• Тошкентда «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Ижодкор-ишчи» республика кўрик-танлови якунланди. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичи голиблари иштирок этиб, олти нафар ўқувчи турли йўналишлар бўйича биринчи ўринни олди.

• «Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ, Фарғона давлат университетидан «Илм-фан тараққиётида олимпиадаларнинг тутган ўрни» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

• Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан баҳорги ва ёзги мавсум либослари коллекцияси намойиш қилинди.

• Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфидоги 2-Тошкент юридик коллежидан «Очқич эшиклар кунини» тадбири ўтказилди. Тадбир сўнгидан унда қатнашган бир неча тумандаги таълим муассасаларининг икки юз нафардан зиёд битирувчи ўқувчиларидан кўпчилиги шу коллежда таълим олиш истганини билдиришди.

• Ўзбекистон Республикаси мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Техник ва амалий спорт тури маркази ташаббуси билан Чирчиқ автомобиль мактабига қарашли Жалолиддин Манғуберди номидаги спорт мажмуасида ёзги биатлон бўйича «Ўзбекистон ёшлари ўйинлари» мусобақалари бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов расмий ташриф билан Афғонистон Иқтисод Республикасига келди. Бу унинг Афғонистонга илк ташрифи.

• Эрон парламентига бўлиб ўтган сайловнинг иккинчи турида голиб фракция нисми аниқ бўлди. Мамлакат парламенти — Мажлисидаги 290 ўриндан 69 фойзи Президент Махмуд Аҳмадинажотни қўллаб-қувватловчи консерваторларга насиб этди. Бу галги парламент сайловининг натижалари Эроннинг келажакдаги сиёсатини аниқ белгилаб берди. Чунончи, Эрон ядровий дастури йўлидаги фаолиятини давом эттиради ва 2009 йилда бўлиб ўтадиган Президент сайловида Махмуд Аҳмадинажот ўз номзодини қўяди.

• Кеча Қора денгизда Украинанинг «Черноморнефтегаз» компаниясига қарашли Ми-8 вертолётни денгиздаги «Таврида» сузувчи бургулаш вахтасига наватдаги ишчиларни олиб келаятган пайтда ҳалокатга учради. Ҳалокат натижасида вертолётдаги барча 20 киши ҳаётдан қўз юмди.

• Хитой шарқдаги Шаньдун провинциясида йирик темир йўл ҳалокати содир бўлди. Яъни, Пекиндан Циндао шаҳрига йўл олган йўловчи тезорар поезди Янтай-Сучжоу рейсини амалга ошираётган иккинчи поезд билан тўқнашиб кетган. Мазкур темир йўл ҳалокати оқибатида 66 нафар йўловчи ҳаётдан қўз юмди, 500 нафардан зиёди тан жароҳатлари олди.

• Вашингтонда узок масофаларга турли юкларни элтувчи оғир юк машиналари ҳайдовчилари ёниги нарҳининг кўтарилиши муносабати билан норозилик намойишини уюштирдилар.

• «Пекин — 2008» Олимпиадаси машъаласи Вьетнамнинг Хошимин шаҳридан старт олди.

• АКШнинг Калифорния штатида тобора кучайиб бораётган ўрмон ёнғинлари Лос-Анжелес шаҳри ва машҳур Голливудга яқинлашиб қолди. Ёнғинларга барҳам бериш чоғида икки нафар ўт ўчирувчи исгаздан заҳарланди.

• Кеча Россиянинг Кубан шаҳрида кучли дўл ёғди. Дўлнинг айримларининг ҳажми 7 миллиметрга етиб, ушбу табиий офат натижасида 500 дан ортиқ уйларнинг дераза ойналари синиб, томлари илматешик бўлди.

• Кеча Лондонда машҳур кўшиқчи Мадоннанинг наватдаги 11-дискнинг тақдими бўлиб ўтди. Таъкидлаш керакки, муҳлислар ушбу дискнинг юзага келишини уч йилдан буён куттишган.

• Кеча АКШнинг Виржиния штатида кетма-кет учта торнадо хуруж қилиши натижасида 200 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

Кечка сатрларда

• **КЕЧА** «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ташаббуси билан Тошкент шаҳридан Қорақалпоғистон Республикасига озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармон воситалари, кийим-кечаклар, ўқув дарсликлари ва кўлланмалари ортилган «Саломатлик» поезди жўнаб кетди.

• **КЕЧА** Улугбек номидаги маданият ва

истироҳат боғида Ёшлар йилига бағишлаб уюштирилган акция «Биз ҳаммаси бир кучмиз» деб номланди.

• **КЕЧАДАН** шаҳримизда «ЕҒ-мой ва озик-овқат саноати» ярмаркаси ва кооперация биржаси иш бошлади.

• **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ташаббуси билан Республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ёшлар ўртасида уюштирилган кўрик-танлов Ёшлар йилига бағишланди.

• **КЕЧА** Тошкент Давлат санъат институти талабаларининг ёш истеъдодли санъаткорлар билан уюштирилган маданий-маърифий учрашуви «Санъат — инсон руҳиятининг дармони» деб номланди.

• **«ЁШЛИК»** талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамда Тошкент Давлат тиббиёт академияси ҳамкорликларидан

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

БУГУН талабалар жамоалари иштирокида уюштирилаётган «спорт байрами» тадбири Ёшлар йилига бағишланди.

• **БУГУН** Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабалар иштирокида ўтказилган семинар-тренинг «Биз ўзимиздан кичикларга кўмак беришга доим тайёрмиз» деб номланди.

Дил изҳори

ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОРДАН МАМНУНМИЗ

Мамлакатимизда ўтганлар хотирасини ёд этиш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам қарор топмоқда. Мана бир неча йилдирки, юртимизда 9 Май—Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонланаётганлиги, Президентимиз Фармонлари кўра иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари моддий рағбатлантириб келинаётганлиги шу энг мақсад йўлидаги хайрли тадбирларнинг ёрқин ифодасидир. Албатта кексаларни қадрлаш, уларни эъзозлаш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб қадриятлардан саналади.

Президентимизнинг кунини кеча эълон қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ҳам ҳамюртларимиз, айниқса фахрийлар қалбини тоғдек кўтариб, уларга бир олам кувонч бахш этди. Фахрийларимиз ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ҳур-

мат-эҳтиромдан қалблари фахр-ифтихорга тўлиб, ўз миннатдорлик туйғулари, дил изҳорларини билдирмоқдалар.

Абдуллажон АРТИКБАЕВ, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси:

— Ҳукуматимиз, айниқса Юртбошимиз томонидан биз кексалар, уруш фахрийларига катта эътибор қаратилиб, қадрланаётганимиздан ниҳоятда бахтиёрман. Кунини кеча Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонини ўқиб айниқса хурсанд бўлдим. Ушбу Фармон биз фахрийларга ўзгача кўтаринки кайфият бахш этиб, ифтихор туйғуларини оширди. Шундай дорилмон тинч, фаровон кунларга етказганига Оллоҳга шукроналар айтаман. Илоҳим биз кўрган урушни фарзандларимиз кўрмасин, она Ватанимизда тинчлик, фаровонлик абадий бўлсин. Истардимки, меҳроқибат, кадр-қиммат, ҳурмат-эҳтиром сингари халқимизга хос

инсоний фазилатлар ҳамisha бардавом бўлсин.

Қаюм АДИЛОВ, уруш орти меҳнат фахрийси:

— Юртимизда олиб борилаётган хайрли ишларни доимо кузатиб, эшитиб ниҳоятда кувонаман. Мана, ҳар йили мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш кунини ўтганлар хотирасини ёд этиш, тирикларни эъзозлаш, кексаларни қадрлаш аънаълага айланди. Кексаларни эъзозлаган юртининг эртаси буюқ бўлади албатта. Яқинда уруш фахрийлари Президентимиз Фармонларига кўра моддий рағбатлантирилишини эшитиб жуда кувондим. Бизлар оғир кунларни бошдан кечирдик, хозирги фаровон, бахтиёр замонни қанчалар орзу қилиб яшаганмиз. Мана шу ёруғ ва тинч ҳаётнинг қадрига етиш керак. Фахрийларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик, эътибор, кексалар кўнгилни олиш, уларга ҳурмат баҳо келтиришдек хайрли ишларнинг бошида турган Юртбошимизга минг раҳмат.

Йил сайин обод ва кўркамлашиб, нуфузи янада ошиб бораётган жонажон пойтахтимизнинг бугунги жамоли ҳар қимнинг эътиборини тортти шубҳасиз. Нон шаҳри, дўстлик шаҳри деб ном олган азим тошкентимизни ҳақли равишда навқирон шаҳар десак ҳам хато бўлмайди.



Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдида Ёшлар нигоҳида

«Шарқ дарвозаси» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Хозиргача бу номни сақлаб келаётган шаҳар айниқса, фан, маданият, спорт, таълим соҳасидаги ютуқлари билан дунё халқларининг эътиборини тортмоқда. Мухтарам Юртбошимизнинг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Қарорлари ҳамшаҳарларимиз учун қувончли воқеа бўлди. Юбилей олдида жойларда маданий-маърифий тадбирлар бошланиб кетди. Жумладан кунча Чилонзор туманида жойлашган Тошкент Педагогика коллежида ҳам Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Чилонзор туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Муаттар Содиқова сўзга чиқиб, шаҳримизнинг бугунги кундаги нуфузи ва унда аёлларнинг роли ҳусусида ўз фикрларини баён қилди. Шундан сўнг мазкур коллежнинг ижтимоий фанлар кафедраси мудири Бахтиёр Умиров «Тошкент: кеча, бугун ва эртага» мавзусида пой-

тахтнинг сиёсий-ижтимоий, маданий жабҳалардаги ўзгариш ва ютуқлари ҳақида ўз фикр мулоҳазаларини билдирди. Тадбир давомида ёшларнинг тарихий билимларини ошириш мақсадида «Камолот» ЕИХ Чилонзор туман бўлими раиси У.Фармонбеков бошчилигида Тошкент тарихига доир савол-жавоб ўтказилди. Ўқувчилар ушбу жараёнда фаол иштирок этиб, шаҳримиз ўтмиши ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдилар. Тадбирда шаҳримиз тарихи ва уруш даври воқеаларидан ҳикоя қилувчи саҳна кўринишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Халқимизнинг гурури, ифтихори бўлган шаҳримизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни янада мустаҳкамлаш, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш тўғрисида кўп тадбирлар иштирок этган ўқувчилар қалбидан янада жўш урди.

Нигора АБДУРАХМОНОВА, ЎзДЖТУ талабаси СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

Анжуманлар

ДАСТУР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

МАЪЛУМКИ, МАМЛАКАТИМИЗДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХЛАРНИНГ БОШ МАҚСАДИ ЁШ АВЛОДНИНГ ДАВР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ЧУҚУР БИЛИМ ОЛИШЛАРИ, КОМИЛ ИНСОН БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШДАН ИБОРАТДИР. АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ, ЁШ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ-МАДДАНИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ЎСТИРИШ, ЖИСМОНАН СОГЛОМ, АҚЛАН ЕТУК ВА БАРКАМОЛ ИНСОН ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ БУГУНГИ КУН ТАЛАБИДИР.

Кунча пойтахтимизда «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда таълим муассасаларининг вазифаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан Миробод туманидаги 110-мактабда ташкил этилган мазкур тадбирда шаҳримиздаги умумтаълим мактаблари директорлари, мактабдан ташқари таълим даргоҳлари раҳбарлари, фаол ўқувчилар ва мураббийлар иштирок этидилар. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Се-

нати аъзоси А.Тўраев, Ўзбекистон Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз томонидан мамлакатимизда ёш авлоднинг пухта таълими олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, билими ва салоҳиятига мос касб-ҳунар ўрганиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилаётганини таъкидладилар. Шунинг билан керакки, «Ёшлар йили» Давлат дастурида узлуksиз таълим тизимида

ислохотларни янада чуқурлаштириш ва тақомиллаштириш, 9-синф битирувчиларининг ўртамаксус, касб-ҳунар таълим масканлари билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, билим масканларини қуриш ва реконструкция қилишнинг сифатини янада ошириш, таълим соҳасида қабул қилинган давлат дастурларининг ижросини таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Семинарда «Ёшлар йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлашда таълим муассасаларининг вазифалари нималардан иборат эканлиги ҳусусида иштирокчилар шўббаларга бўлинган ҳолда, ҳар бир шўбада алоҳида йўналишлар бўйича тўхталиб ўтилди. Шунингдек, дастурнинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ тушунириб, ўзаро фикр ва таърибга алмашдилар ва келгусида дастур ижроси йўлида амалга ошириладиган вазифалар, чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди.

Гулором ҲАМИДОВА

Таълим

КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ 195-МАКТАБДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЛОГОПЕД-ЎҚУТУВЧИЛАРИНИНГ «ЛОГОПЕД МАШҒУЛОТЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ» МАВЗУИДА ШАҲАР МИКЎСЛАДИГИ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган анжуманда 182-мактаб ўқувчиси Татьяна Ярцева, 101-мактаб муаллими Фаина Ахмеддиновлар ўз ишланмаларини изоҳлаб бердилар. Анжуман қатнашчилари шунингдек, 195-мактаб ўқувчиси Лайло Касаеванин компьютер

технологияларидан фойдаланган ҳолда тайёрланган интерактив медиа-дарсини бевосита томоша қилиб, катта таассуротга эга бўлдилар. Ушбу ўзига хос дарс йиғилганларни жуда қизиқтириб қўйди.

Зеро, ушбу янги йўналиш болалар нутқини тўғри-лашга ёндашувни энгиллаштиради. Чунки компьютер бола асабидидаги тарангликка барҳам бериб, уни мустақил ишлашга ундайди.

Семинарда педагогика фанлари доктори Лола Мўминова ушбу соҳадаги ўзининг бой тажрибалари билан ўртоқлашди.

(Ўз мухбири) СУРАТЛАРДА: анжумандан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар



ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ДОИМИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШИ ТУФАЙЛИ МАМЛАКАТИМИЗДА ИЛМ-ФАН ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН ФАНИНИНГ БУТУН ДУНЁДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ЮҚОРИ САЛОҲИЯТИ ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ГЛОБАЛ АҲАМИЯТГА ЭГА НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ ВА УЛАР АСОСИДА ЭНГ ИЛГЎР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЯРАТИШ ИМКОНИНИ БЕРМОҚДА. ВА, БУ САЛОҲИЯТ МАМЛАКАТИМИЗДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАЪЛИМНИНГ МАКТАБДАН ТО ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГАЧА БЎЛГАН БАРЧА БЎГИНЛАРИНИ ҚАМРАБ ОЛАДИГАН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ҲИСОБИДАН ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЙ ЭТМОҚДА.

Шу маънода, апрель ойи охирида мактаб ўқувчиларининг кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадасини ўтказиш учун айнан Тошкент шаҳри танланган беҳис эмас. Бунинг учун олимпиаданинг бошқа ташкилотчилари билан бир қаторда Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти томонидан зарур ўқув-лаборатория базаси, асбоб-ускуналар ва материаллар тақдим этилади. Мазкур олий ўқув юртида ушбу соҳада МДХ мамлакатларидаги энг яхши илмий мактаблардан бири фаолият кўрсатмоқда.

Юртбошимиз узлуksиз таълим тизимини ривожлантириш, уни мамлакатимиз ва хорижда тўпланган таърибга ҳамда жамиятимиз эътиборларини ҳисобга олган ҳолда ислох қилишга катта эътибор қаратмоқда. Бу борада Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, қатор аниқ мақсадли давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда таълим муассасалари билан биргаликда илмий ташкилотлар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти республикамиз олий ўқув юртлири билан кўп йиллик ҳамкорлиги бунга ёрқин мисол бўла олади. Масалан, институт базасида Мирзо Улугбек номидаги Миллий университетнинг турдош кафедралари билан ҳамкорликда ташкил этилган полимерлар физикаси ва умумий кимё бўйича илмий-ўқув марказлари, Тошкент тўқимачилик ва энгил санаят институтининг тола ҳосил қилувчи материал-

2008 – Ёшлар йили

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

лар, қозғош ишлаб чиқариш дизайни ва кимёвий технологияси билан шуғулланган кафедра филиали фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Наманган давлат университети ҳузурда институт филиали — юқори молекуляр бирикмалар лабораторияси ишлаб турибди. Мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртлири билан ҳам доимий алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, кадрларни мақсадли тайёрлаш ва кейинчалик ишга жойлаштириш борасида шартномалар тузилган.

Бугун институт олимлари томонидан амалга оширилаётган тадқиқотларда кўплаб талабалар ҳам қатнашмоқда. Уларнинг ақсари бевосита институт лабораторияларида ишлаб, амалий кўникмаларга эга бўлмоқда. Бу ерда ҳар йили 20 нафар бўлажак бакалавр ва магистрга жамиятимизнинг реал эътиборларига йўналтирилган илмий ишлар, диплом лойиҳалари ва дастлабки илмий ишлар учун мавзу танлашга ёрдам кўрсатишмоқда, уларнинг ишларига бевосита илмий раҳбарлик қилинмоқда. Талабалар кимё ва полимерлар физикасининг долзарб муаммолари бўйича конференциялар ўтказиладиган эга бўлмоқда. Бу, инсоният таълими чоп этадиган институт ёш олимлари кенгаши билан ҳамкорлик қилмоқда. Шу билан бирга, уларга кўмаклашиш мақсадида ушбу фанлар ва инглиз тилини чуқур ўрганиш бўйича курслар, Интернет-синф ташкил этилган.

Институт ходимлари олий ўқув юртлирида маърузалар ўқимоқда, талабаларни мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг энг сўнгги ютуқлари билан таништирмоқда. Улар ёш кадрларни тарбиялаш билан бир қаторда йигит-қизларни жиддий илмий фаолият билан шуғулланишга эга бўлмоқда, илм-фанимизда изчил ворисийликни таъминламоқда. Олий ўқув юртлирининг бундай серқирра тайёргарликдан ўтган битирувчилари институтда ишлаш учун қолмоқда, бу ерда фаолият кўрсатаётган аспирантура ва докторантурада ўқишни давом эттирмоқда. Улар ёши улғу ҳамкасблари раҳбарлигида талабалик йилларидаёқ бошланган тадқиқотларини ривожлантирмоқда. Ушбу тадқиқотлар натижалари эса уларнинг номзодлик ва докторлик илмий ишлари асосини ташкил этади.

Талаба-ёшларнинг кимё ва полимерлар физикасига бўлган қизиқиши нафақат институт ходимларининг педагогик маҳорати, балки бу ерда бутун дунёда талаб юқори бўлган нанотехнологиялар ишлаб чиқариш билан ҳам изоҳланади. Яъни, атом ва молекуляр даражада янги полимерлар синтезланиб, уларнинг асосида иктисодиётнинг барча тармоқларига эҳтиёж сезилаётган маълум хусусиятларга эга композиция материаллари яратилмоқда. Бу, инсоният табиий ресурслар битмас-туганмас эканлини яхши англаётган ва иктисодиётни жадал ривожлантиришда ушбу ишланмаларга нисбатан талаб кучайиб бораётган ҳозирги шароитда айниқса муҳимдир.

Институтда ишлаб чиқилган ва синтезланган юқори молекуляр табиий бирикмалардан фойдаланишга асосланган экологик тоза технологиялар кўплаб тармоқларга жорий этилмоқда. Бугунги кунда улар санаят, қишлоқ ҳўжалиги, фармацевтика, тиббиёт, косметология ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Полимерлар асосан маҳаллий ҳомаш ёки ишлаб чиқариш қишлоқларида тайёрланаётгани, яъни улардан маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари камида ўн баробарга камаётгани жуда муҳимдир.

Кимё ва полимерлар физикаси институти Марказий Осиёда ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган ягона илмий муассаса бўлиб, бу ерда бир неча фанлар бўйича тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу эса турли йўналишдаги фундаментал билимлардан кенг фойдаланиш имконини беради. Масалан, бу олим олимларга пилла курти гумбагидан олинадиган хитин — хитозан асосида халқ ҳўжалиги учун кўплаб керакли моддалар ва препаратлар ишлаб чиқишга ёрдам бериши.

Ёшларнинг ушбу истиқболли ишга қўшаётган ҳиссаси катта. Мисол учун, Ўзбекистон Миллий университети кимё факультети магистратурасининг иккинчи курс талабаси Вазира Раҳимова институт лабораториясида маҳаллий ҳомашдан синтез йўли билан хитозан сульфатини олишга эришти. Фармацевтика санаяти учун янги бўлган ушбу препаратдан бактерияларни ўлдирадиган ва қонни қайта тикладиган восита сифатида самарали фойдаланиш мумкин. Хозир олимлар препаратни санаятда ишлаб чиқариш учун тавсия этишдан олдин унинг тарқиб ва янги хусусиятларини синчковлик билан ўрганмоқдалар. Шу факультет битирувчиси Абдумалик Отахонов ўзининг номзодлик илмий ишини тайёрлаш давомида целлюлоза материалларни оқартириш учун мўлжалланган «Полистаб» препаратини ишлаб чиқди. Шунингдек, аспирантлар Ольга Қўличева, Фахриддин Рўзиев ва ўз илмий фаолиятини талабалик давридан бошлаган ҳамда бугунги кунда энг мураккаб вазифалар ечимини топаётган кўплаб иқтидорли ёш олимлар тадқиқотлар жараёнида кўплаб муҳим натижаларга эришти. Улар ўз билим ва иқтидорини Ватанимиз равнақи учун сафарбар этаётган, мамлакатимизда илмга асосланган ва рақобатбардўш бозор иктисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳиссасини қўшишга интилаётган Ўзбекистон олимларининг янги авлоди вакиллари.

А.ИВАНОВА, ЎЗА МУХБИРИ

МЕНДЕЛЕЕВ ОЛИМПИАДАСИ — ТОШКЕНТДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, ушбу йўналишда республикамизда уч босқичли узлуksиз таълимни таъминлашга йўналтирилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, мактаблар тизимини моддий-техник жиҳатдан янгилаш ҳамда педагог кадрларнинг малакасини оширишга доир Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши, жисмоний тарбия ва спортга бўлган имкониятларини фаоллаштириш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, ўғил-қизларимизнинг маънавий-ахлоқий, ақл-идрок жиҳатидан салоҳиятини ошириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва кўллаб-қувватлаш борасида яна бир қатор дастурлар жорий этилган. Албатта, анъанавий равишда ҳар йили республика фан олимпиадалари ўтказилаётгани ҳам ўсмирлар орасида ўз ўрнига эгадир. Шу билан бирга 2004-2007 йилларда Ўзбекистонлик ўқувчилар турли халқаро фан мусобақаларида ҳам иштирок этиб, 27 та медални қўлга киритганлиги қувонарлидир.

Умуман олганда, халқаро экспертлар томонидан мамлакатимизда жорий этилган ёш авлоднинг ҳар томонлама етуқ инсон қилиб вояга етказиш борасидаги миллий дастур ўзига хос, дунёда тенги йўқ модель сифатида эътироф этилиб, халқаро даражада ўрганилиши ва бу борада таърибга алмашувини йўлга қўйишнинг аҳамиятга молик эканлиги қайд этилади.

Галдаги 42-Халқаро кимёвий олимпиадани Тошкент шаҳрида ўтказиш тақлифи Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори томонидан билдирилган. Дунёда энг нуфузли олий ўқув юртлиридан ҳисобланмиш мазкур таълим маскани раҳбари бир неча бор Ўзбекистонга келган ва ҳар ташрифи мобайнида республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан таълим соҳасидаги ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратиб ўтган. Шубҳасиз, бундай тақлиф авваломбор мамлакатимиз Президенти томонидан кўллаб-қувватланди. Жорий йил 31 январда махсус ҳукумат қарори қабул қилинди ва унинг асосида белгиланган 42-Менделеев олимпиадасига тайёргарлик кўриш ва юқори савиёда ўтказиш чора-тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

Мамлакатимизда бу борадаги тайёргарлик жараёнлари билан бевосита танишиш учун ташриф буюрган ташкилий кўмита ҳамраиси, МДУ кимё факультети декани В.Лунин ва ҳакамлар ҳайъати раиси, университет профессори В.Ненайденко МДУнинг Тошкентдаги филиали ҳамда бир қатор пойтахт мактабларида бўлиб, хусусан республикамизда таълим тизимидаги ижобий ўзгаришларни юқори баҳолаб ўтишди. Меҳмонлар фикри билан айтганда, замонавий таълим муассасаларининг ҳаттоки чекка-чекка қишлоқларда ҳам мавжудлиги алоҳида эътиборга сазовордир, зеро бу ерда яратилган шарт-шароитлар баъзи ривожланган давлатларда ҳам мавжуд эмас.

Менделеев олимпиадаси тарихига келсак, ушбу нуфузли халқаро анжуман ярим асрдан буён ўтказиб келинмоқда. Илк марта 1956 йилда ҳозирги МДХ давлатлари таркибидида республикалар микёсида ўтказилган. Халқаро мақомга 1992 йилда эга бўлган. Мустақил давлат сифатида Ўзбекистон олимпиадасида 1997 йилдан буён иштирок этмоқда. Шу йиллар давомида мамлакатимиз шарафини 29 нафар ўғил-қизларимиз ҳимоя қилиб, етти та бронза медалига сазовор бўлган. Белоруссия пойтахтида бўлиб ўтган 41-олимпиадада ўзбекистонлик ўқувчилар иккита рағбатлантирувчи мукофотга ҳам эришган.

Бу йилги олимпиадада Ўзбекистон жомаси 10 нафар ўқувчидан жамланган. Бундан ташқари, ўтказувчи мамлакат вакиллари сифатида яна беш нафар ўғил-қизларимиз танловдан ташқари захира сифатида қатнашиш имкониятини қўлга киритди. Саралаш жараёнларида барча вилоятлардан 803 нафар мактаблар ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари қатнашгани эса албатта эътиборлидир.

Россия мамлакатидан ҳам унда 10 та ўқувчи қатнашди. МДХ мамлакатларидан ташқари, 42-Менделеев олимпиадасида Руминия ва Болгария вакиллари ҳам иштирок этиш хоҳишини билдирган. Олимпиадада 105 нафар ёш кимё фани ихлосмандлари мураккаб назарий ва амалий синовларни ўтайди. Уларнинг имкониятларини, билим савиясини ва маҳоратини 81та хорижий эксперт баҳолайди. Олимпиада голиблари эса тегишли медалларга сазовор бўлиш билан бирга иштирокчи мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртлирига танловсиз кириш йўланмасини ҳам қўлга киритади. Ташкилий кўмитадан олинган маълумотга кўра илк марта кимё фани бўйича халқаро олимпиадада «Ёшлар замони» олимпиада мадҳияси янграйди.

42-халқаро Менделеев олимпиадаси 4 майга қадар Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали биносидида бўлиб ўтади. Кеча олимпиада иштирокчилари ва меҳмонлари пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонидида бўлиб, Мустақиллик ва эзуқли монументи пойга гулчамбарлар қўйиш маросимида қатнашишди, шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларини ҳам зиёрат қилиб, шунингдек, «Камолот» ЕИХ фаолияти билан яқиндан танишишди.

БУГУН 42-Халқаро Менделеев олимпиадасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. ИЛЬМИРА ЗАЙНУТДИНОВА

ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ҲАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИДА «ЭНЕРГЕТИКА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР СИЁСИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ ВА УШБУ УНИВЕРСИТЕТ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унда Марказий Осиё, Шимоли-шарқий ва Жанубий Осиё, Европа мамлакатлари, Америка ва Россиядан халқаро экспертлар иштирок этидилар.

Тадбирнинг очилиш маросимида мамлакатимизда Президент Ислам Қаримов раҳбарлигида энергетика хавфсизлигини кучайтириш, энергетика салоҳиятини ошириш ва ушбу соҳада ҳар томонлама халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу, ўз навбатида, Марказий Осиёда минтақавий барқарорлик ва иқтисодий хавф-

сизликнинг муҳим омилига айланмоқда.

Ҳаҳон энергетика бозори ва иқтисодий хавфсизлик барқарорлигини таъминлаш муаммоси глобал хусусиятга эга. Бугунги кунда углеводород ва уран ҳомаш ёки қазиб олиниши ва унинг захирасини кўпайтириш, уларни узоқ муддат етказиб бериш истиқболлари ва нарх-наво сийсати турли халқаро ҳамда давлатлараро даражада муҳокама этилмоқда. Бу борада Марказий Осиё давлатлари, уларнинг ҳаҳонда йirik нефть, газ, уран, кўмир, электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар, шу билан бир-

га, истеъмолчилари ҳисобланган Россия, Хитой, Европа Иттифоқи мамлакатлари каби минтақавий ҳамкорлари ҳам бундан мустасно эмас.

Бу ерда ўтган баҳс-мунозаралар давомида Марказий Осиё ичида ҳамда минтақа давлатлари, хорижий истеъмолчилар, етказиб берувчилар ва транзитчилар ўртасида энергетика ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари бўйича эркин фикр алмашилди.

Энергетика-ресурс салоҳиятига бой бўлган Марказий Осиё давлатлари ва умуман ушбу минтақа ҳозирги кун-

да ҳаҳонда энергетика соҳасида кечаётган геосийсий ва геостратегик жараёнларнинг тобора фаол иштирокчисига айланмоқда. Бу масала турли даражада экспертлар томонидан кенг муҳокама этилмоқда.

Учрашувда сиёсат ва иқтисодиёт энергетика омилининг муҳим ўрни, Марказий Осиё энергетика салоҳиятининг дунё тараққиётидида аҳамияти, энергия ресурсларини Марказий Осиёдан транспортировка қилишнинг жорий ва истиқболдаги йўналишлари, манфатдор мамлакатлар позицияси ва ёндашувлари каби кенг кўламли долзарб масалалар қўриб чиқилди. Шу билан бирга, Марказий Осиё минтақасининг инвестициявий жозибадорлиги, атраф-муҳит хавфсиз-

лиги, қайта тикланаётган энергия манбаларини ривожлантириш, нефть-газ экспорт қиладиган мамлакатларнинг энергия ресурслари истеъмолчилари билан халқаро ҳамкорлиги каби мавзулар ҳам муҳокама этилди. Мутахассислар инсон омилига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ушбу минтақада яшаётган одамлар, келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш устувор масала эканини қайд этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Р.Маҳмудов, С.Рустамов (Ўзбекистон), Ш.Акинер (Буюк Британия), М.Олкотт (АҚШ), С.Лузянин (Россия), Чэнь Цзецзюнь (Хитой), Б.Султонов (Қозғоғистон) ва бошқалар шу ҳақда гапирдилар.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА МУХБИРИ



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

АБУ АЛИ ИБН СИНО ХИКМАТЛАР

Соғлиқни сақлашнинг асосий тадбири бадан-тарбия. Мўтадил равишда ва ўз вақтида бадантарбия билан шуғулланувчи одам бузилган хиллар туфайли келган касалликларнинг ва мижоз ҳамда илгари ўтган (касалликлар) туфайли келувчи касалликларнинг давосига мухтож бўлмайди.

Кийда иссиқ, ёзда совуқ ёки илиқ (овқат) ейиш лозим.

Билгинки, фаровончилик йилларида кўп еб, қахатчилик йилларида оч туришдан ва бунинг аксидан ёмонроқ ҳолат йўқдир.

Жуда тўйиб ва тўлиб овқат ейиш ва ичиш ҳамма ҳолда ҳам ўлдирувчидир.

Гавдага энг зарарли нарса меъдада овқат етилмасдан ва ҳазм бўлмасдан туриб яна овқат киришидир. Меъда бузилишидан, хусусан ёмон овқатлардан бўладиганидан зарарлироқ нарса йўқдир.

Уйку вақтида дастлаб бир оз мuddат ўнг томон билан, кейин чап томон билан, сўнг яна ўнг томон билан ётиш керак.

Етарли даражада ҳазм қилолмайдиган киши овқатланиш вақтини кўпайтириб, овқат миқдорини озайтириши керак.

Ўрганилган овқат, бирмунча зарарли бўлса ҳам, одат қилинмаган яхши овқатдан мувофиқроқдир.

Энг ёмон нарса бир-бирига келишмайдиган овқатларни аралаштириш ҳамда овқатланиш вақтини узайтиришидир.

Жуда лаззатли бўлган овқатнинг зарарларидан бири шуки, уни кўп ейиш мумкин бўлади.

Овқат устига шароб ичиш энг зарарли нарсалардандир, чунки шароб тез ҳазм бўлувчи ва тез ўтувчидир. У овқат ҳазм бўлмаган ҳолда ўтказиб юборади.

Ширинликлар тикилмаларни тез олиб келади, чунки (одам) табиати уларни ҳазмдан илгари ўзига тартади.

Узоқ ёшга борган кишининг гавдаси йигитлик маҳалида ейдиган (миқдордаги) овқатни қабул қилмайди.

Билгинки, қабоб ҳазм бўлса, энг кучли овқат ҳисобланади, бироқ унинг пастга тушиши суст бўлиб, кўричакда узоқ қолади. Шўрва яхши овқат бўлиб, пивэз бўлса, ичдан елни қувлайди. Агар пивэзсиз бўлса, елни кўзгатади.

Билгинки, нон ҳазм бўлмаса, зарари кўпдир, ҳазм бўлмаган гўштнинг зарари эса ундан камроқдир.

Билгинки, нахорга (сув ичиш), бадантарбиядан кейин, ҳаммомга тушгандан кейин, айниқса, оч қоринга (ичиш), шунингдек, кечаси маст ва хумор кишиларда пайдо бўладиган ёлғондакам ташналикда ҳамда табиат овқатининг ҳазми билан овора бўлиб турган вақтда сув ичиш зарарлидир.

Ҳар бир овқат устидан шароб ичиш бирон касалликни туғдиргани учун ёмондир; овқат ҳазм бўлиб, сингитгандан кейингина ичиш мумкин.

Кетма-кет маст бўлиш ёмондирки, жигарнинг ва миянинг мижозини бузади, асабни кучсиз қилади. Асаб касалликлари, сакта ва тўсатдан ўлишга сабаб бўлади.

Ҳавоси совуқ ўлкалар шароб ичишни кўтаради, иссиқлар кўтармайди.

Оч қорин билан ухлаш ёмон ва қувватни сусайтиради. (Қорин) тўлиқлиги билан ва қориннинг юқори қисмидан тушишидан илгари ухлаш ҳам ёмондир. Чунки бу ҳолатда (уйку) чуқур уйку бўлмайди, балки безовта уйкудир.

Кундузги уйку ҳам ёмондир; у рутубатлардан бўладиган касалликларни ва назла касалликларини вужудга келтиради, рангини бузади, талок касалини пайдо қилади, асабларни бўшаштиради, кишини ланж қилади, иштаҳани пасайтиради, шиш ва турли иситмаларга сабаб бўлади.

ТОШКЕНТ РАДИОТЕХНИКА ВА АВТОМАТИКА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИДА МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ ЧИЛОНЗОР ТУМАН КЕНГАШИ ТАШАБУСИ БИЛАН ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ КОЛЛЕЖЛАРИ ҲАМДА ҲАММАНДА ПНЕВМАТИК МИЛТИКДАН ОТИШ БЎЙИЧА ШАХСНИЙ-ЖАМОАВИЙ БИРИНЧИЛИК МУСОБАҚАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



КОЛЛЕЖЛАР ҲАМДА ҲАММАНДА ПНЕВМАТИК МИЛТИКДАН ОТИШ БЎЙИЧА ШАХСНИЙ-ЖАМОАВИЙ БИРИНЧИЛИК МУСОБАҚАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ҳамманда пневматик милтиқдан отиш спортга қизиқишни ошириш ва уларнинг маҳоратини ўстириш мақсадида ташкил этилган турнирда коллежлар талабалари ўз ўқу муассасаларида отиш бўйича эгаллаган билим-малакаларини намойиш этиб, яхши натижаларни кўрсатишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент Радиотехника ва ав-

томатика касб-ҳунар коллежиди «Моҳир ўқчи» тўғараги ташкил этилган бўлиб унда отиш машғулотлари тўлиқ олиб борилди. Ҳамманда пневматик милтиқдан отиш бўйича эгаллаган билим-малакаларини намойиш этиб, яхши натижаларни кўрсатишди.



томатика касб-ҳунар коллежиди «Моҳир ўқчи» тўғараги ташкил этилган бўлиб унда отиш машғулотлари тўлиқ олиб борилди.

Мусобақа шартига кўра иштирокчилар ВП-2а машинани бажаришди, ўнта ўқни мўлжалга бехато отиш эса баллар билан баҳолаб борилди.

Турнир натижаларига кўра умумжамоа ҳисобида 1-ўрин Тошкент Ра-



диотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи ёшларига насиб этди.

Шахсий биринчиликда эса Чилонзор Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи вакили Умид Тоҳиров ўғли болалар ўртасида ғолиблик сафини бошқарди.

Ҳамманда пневматик милтиқдан отиш бўйича эгаллаган билим-малакаларини намойиш этиб, яхши натижаларни кўрсатишди.

Турнир натижаларига кўра умумжамоа ҳисобида 1-ўрин Тошкент Ра-

Спорт янгиликлари
ГИЛАМДА ПОЛВОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА КУРАШ БЎЙИЧА 1991-1992 ЙИЛЛАРДА ТУҒИЛГАН БОЛАЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИДА ИККИ ЮЗ НАФАРГА ЯҚИН ЁШ СПОРТЧИ ҲАМДА ҲАММАНДА ПНЕВМАТИК МИЛТИКДАН ОТИШ БЎЙИЧА ШАХСНИЙ-ЖАМОАВИЙ БИРИНЧИЛИК МУСОБАҚАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Мусобақада ўз вази тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратган пойтахтлик спортчилардан Иzzатилло Абдуқодиров, Субхон Тошпўлатов, Арслон Гадов, Шукурулло Бобоҷонов, Нодир Сафаров, Маъруф Нуруллаев, Суннат Йулдошев, Самарқандлик Евгений Генаралов, Сардор Фазилжон, Жамшид Ахатов ва андижонлик Элдор Ортиқов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

КУЧЛИЛАР — ШОҲСУПАДА!

ПОЙТАХТИМИЗДА ҚИЛИЧБОЗЛИК БЎЙИЧА МАМЛАКАТ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН СПОРТЧИЛАРИ ҲАМДА ҲАММАНДА ПНЕВМАТИК МИЛТИКДАН ОТИШ БЎЙИЧА ШАХСНИЙ-ЖАМОАВИЙ БИРИНЧИЛИК МУСОБАҚАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Шпагада ўтказилган беллашувларга кўра, пойтахтимиш шарафини ҳимоя қилаётган Дмитрий Филимонов финал учрашувида навоийлик Александр Филимонови мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. Шохсупанинг учинчи поғонаси пойтахтлик Рустам Дўстмухаммедов ва андижонлик Бахтиёр Ганиевага насиб қилди.

Рапирада ўтказилган мусобақа финалида халқаро тоифадаги спорт усталари — Рустам Дўстмухаммедов ва Исқандар Баширов (Тошкент) ўзаро куч синашди. Ҳал қилувчи беллашувида муваффақият қозонган Рустам Дўстмухаммедов олтин, Исқандар Баширов эса кумуш медал билан тақдирланди. Бронза медални пойтахт вакилидан Ваҳоб Мурдасов ва Темур Дўстмухаммедовга топширилди.

Боҳир БЕК

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортда шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга куйидаги йўналишлар кўйилади:

1.2008 йил 29 май соат 10.00да				2.2008 йил 19 июнь соат 10.00да			
№ рақами	Йўналиш	Йўналиш номи	Ҳаракат таркиби тури	№ рақами	Йўналиш	Йўналиш номи	Ҳаракат таркиби тури
1	4	«Юнусобод 10-даҳа — Пахтакор АШБ»	Микроавтобус	1	27	«Юнусобод 19-даҳа—Чорсу савдо маркази АШБ»	Микроавтобус
2	26	«Дўстлик 2-мавзеси — Пахтакор АШБ»	Микроавтобус	2	49	«Қўйлик М2 АШБ—Қорасув 6-даҳа»	Микроавтобус
3	37	«16-шаҳар шифохонаси — 5-юқумли касалликлар шифохонаси»	Микроавтобус	3	92	«Чорсу савдо маркази АШБ—Дўмбиробод»	Микроавтобус
4	53	16-шаҳар шифохонаси—Шифокорлар шаҳарчаси АШБ»	Микроавтобус	4	98	«Ал Хоразмий мавзеси—Тошкент вокзали АШБ»	Микроавтобус
5	57	«МЖБК — Сайрам»	Микроавтобус	5	107	«Феруза мавзеси—Амир Темур АШБ»	Дамас
6	63	«Учтепа ҳокимияти —Пахтакор АШБ»	Микроавтобус	6	111	«Ғалабининг 40 йиллиги мавзеси—Қўйлик 5-мавзе»	Микроавтобус
7	75	«Қўйлик М2 АШБ — Маҳкам ота чойхонаси»	Дамас	7	116	«Қўйлик 3-даҳа—Абай маҳалласи»	Дамас
8	82	«Беруний м.б. АШБ—2-Тош тиббиёт академияси»	Дамас	8	149	«Қалишев АШБ—Сувсоз мавзеси»	Дамас
9	86	«Қорақамиш 2/4 даҳаси —Амир Темур АШБ»	Микроавтобус	9	174	«Гулзор маҳалласи—17-шаҳар шифохонаси»	Дамас
10	88	«Сувсоз—Амир Темур АШБ»	Микроавтобус	10	175	«Жалор маҳалласи—Қўйлик М2 АШБ»	Дамас
11	103	«Ғалабининг 40 йиллиги мавзеси—Чкалов м.б. АШБ»	Микроавтобус	11	6 И	«Оқтепа майдон—Чилонзор буюм бозори АШБ»	Микроавтобус
12	106	«Қўйлик 4/5 даҳа—АТП-1»	Дамас	12	12 И	«Феруза мавзеси—Чилонзор буюм бозори АШБ»	Микроавтобус
13	109	«Олимпия мавзеси—Пахтакор АШБ»	Дамас	13	14 И	«Ибн Сино мавзеси—Чилонзор буюм бозори АШБ»	Дамас
14	112	«Мойқўрғон маҳалласи—Беруний м.б. АШБ»	Дамас	14	40 И	«Юнусобод 17-даҳа—Чилонзор буюм бозори АШБ»	Микроавтобус
15	113	«Қорақамиш 2/4 —Чорсу савдо маркази АШБ»	Дамас	15	90 И	«Чилонзор буюм бозори АШБ—Карвон бозори»	Микроавтобус
16	123	«Малика фабрикаси—Нуронийлар оромгоҳи»	Дамас				

Тендер ташкилотчиси —Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти. Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш ва тендер ҳужжатлари пакетини бериш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади. Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Саноат қурилиш банкининг амалиёт бўлими»даги 20210000604197971001 х/р (банк коди 00440, СТИР 204094453, ХХТУТ 51600)га 54100 сўм ўтказилади. Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказилганидан кундан бир кун олдин (соат 17.00 да) тўхтатади. Тендерни ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2008 йил 30 май кунин соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносидида ўтказилган очик аукцион савдоларига куйидаги мулк кўйилмоқда:

Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд ижрочилири бўлими томонидан 2007 йил 26 февралдаги 1-1120/08, 1-1358-1483/08-сонли, 2007 йил 4 сентябрдаги 10-0721/11402-сонли ва бошқа ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган, «Хисоблаш техникасини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш» жамоа корхонасига тегишли Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Сегибозов кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган омборхона (Блок-Е, ум. майд.445 кв.м.) ва навес (Блок-Ж, ум. майд. 944 кв.м.) Бошланғич баҳоси — 56 834 000 сўм.

Ушбу мулкни суд ижрочилири иштирокида жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридидаги закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минни банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р. 20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларда ва закалат пулиларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев кўч. 1-уй. Тел. 238-69-94, 238-69-93. Лицензия ДВ001-000010.

ТУЗАТИШ

«Тошкент оқшом» газетасининг 2008 йил 16 апрелдаги 72-сониди, давлат рақами 10Т 7473 бўлган «ҒАЗ-2402» русумли автотранспорт воситаси бўйича ижро ҳужжати санаси 2008 йил 1 февралдаги ижро ҳужжати асосан деб ўқилсин.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида 2008 йил 3 июнь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижрочилири бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 06.12.2007 йилдаги ЖК-1- 629/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган, «ИЖ 2715» русумли, д/р 30Е8055 бўлган 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 200 000 сўм.

Автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатади. Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ-«Ипотекабанк» С. Раҳимов ф-даги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850 х/р: 20210000500571452105. Манзил: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Уразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кунин соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-306

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусхада босилади. Қозғ бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилади ва сақланади.
«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 3 4 5 6